

А Ж Р И М

(тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2024 йил январь ойининг 5 куни, жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар суди, суд биносида, очиқ суд мажлисида, шаҳар судининг судьяси А.Қахрамоновнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Салиевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Наманган шаҳар прокурори катта ёрдамчиси А.Абдумажидовнинг иштирокида, судланувчи У.Полванов ва унинг ҳимоячиси “ҲАМРОХ АДВОКАТЛАР” адвокатлик фирмаси адвокати Д.Рахмонов, жабрланувчи Т.Дадабоевнинг қатнашувида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 105-моддаси 1-қисми билан Полванов Умиджон Одилжон ўғлини айблаш ҳақидаги 1-1601-2308/1555-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

Полванов Умиджон Одилжон ўғли, 25.12.1989 йилда Наманган шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, тадбиркор, муқаддам судланмаган, жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 15.12.2011 йилдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 128-моддаси 2-қисми “а” банди билан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2011 йил 5 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 7-бандига асосан тугатилган, Наманган шаҳар, “Алпомиш” МФЙ, 6-ўтиш йўли, Термиз кўчаси, 8-уйда яшайди, иш бўйича 07.10.2023 йилда муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 31 октябрда олган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчи кўрсатувларини, давлат айбловчиси ва ҳимоячининг фикрларини тинглаб, уларни жиноят ишида тўпланган ҳужжатлар билан таҳлил қилиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И

Судланувчи У.Полванов 2023 йил 9 сентябрь куни соат 12:30 ларда Давлатобод тумани “Халқлар дўстлиги” МФЙ, Ғалаба кўчасида жойлашган 1-сонли кўп қаватли турар жой мажмуаси орқа томонида Давлатобод тумани “Юқори ғирвон” МФЙ, Яндама кўчаси, 234-уйда яшовчи 10.06.1978 йилда туғилган Дадабоев Толиб Комилжонович билан ўрталарида бўлган 100 минг сўм миқдоридаги қарз масаласида ўзаро гап тортишиб қолишлари натижасида жанжаллашиб кетиб, жанжал вақтида Т.Дадабоевни бош қисмига мазкур худудда жойлашган фуқаро Т.Боймирзаевга тегишли сантехника устахона эшиги олдида турган чинни шишадан ишланган (фарфор) унитаз сув идиши (бачоги) билан уриб тан жарохати етказган.

Ҳодиса жойини кўздан кечириш давомида фуқаро У.Полванов томонидан фуқаро Т.Дадабоевни бош қисмига уриб тан жарохати етказишда



фойдаланган чинни шишадан ишланган (фарфор) унитаз сув идиши (бачоги)нинг майдаланган бўлаклари текшириб кўришлик учун олинган ва жиноят иши юзасидан ашёвий далил деб топилган.

Тайинланиб ўтказилган РСТЭИАМ Наманган вилоят филиалининг 19.09.2023 йилдаги №4620-сонли хулосасида фуқаро Т.Дадабоевни баданида бош мия оғир шикасти, бош мияни енгил даражада лат ейиши, чап пешона чакка ва тепа сохаси йиртилган жароҳатлари, энса бўйин орқа юзаси ва кўкрак қафаси чап томони олд юзаси, иккала кўз қовоқлари юмшоқ тўқималарини лат ейиши, чап кўз қовоқлари, ўнг болдир сохаси қонталашлари, чап елка, бўйин сохаси шилинган жароҳатлари, асорати: мия шишуви, травматик шок биринчи даражаси жароҳатлари аниқланган бўлиб, ушбу жароҳатлар “ўртача оғир” турдаги тан жароҳати тоифасига киришлиги кўрсатилган.

Тайинланиб ўтказилган РСТЭИАМ Наманган вилоят филиалининг 03.10.2023 йилдаги №473-сонли комиссия экспертiza хулосасида фуқаро Т.Дадабоевни баданида аниқланган тан жароҳатлари “ўртача оғир” турдаги тан жароҳати тоифасига киришлиги кўрсатилган.

Тайинланиб ўтказилган Наманган вилояти ИИБ ЭКБнинг 07.10.2023 йил кунги №1194-сонли судга оид совуқ қурол экспертiza хулосасида У.Полванов томонидан фуқаро Т.Дадабоевни бош қисмига уриб тан жароҳати етказишда фойдаланган чинни шишадан ишланган (фарфор) унитаз сув идиши совуқ қурол ва совуқ қурол сифатида фойдаланиши мумкин бўлган ашёлар туркимига мос келмаслиги кўрсатилган.

Судланувчи Полванов Умиджон Одилжон ўғли суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англагани, жабрланувчи Т.Дадабоевга етказилган зарарни тўлиқ қоплангани, ундан кечирим сўраганлиги, жабрланувчи билан ўзаро ярашиб олгани, жабрланувчини моддий ва маънавий зарарлар масаласида даъвоси йўқлиги, ярашув ихтиёрий бўлганлиги, ҳозирда жабрланувчи Т.Дадабоев билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатишни сўради.

Жабрланувчи Дадабоев Толиб Комилжонович суд мажлисида берган ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, ҳозирда саломатлиги яхши эканлиги, судланувчи У.Полванов билан ўзаро ихтиёрий равишда келишиб ярашиб олишгани, унга нисбатан моддий ва маънавий зарарлар масаласида ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қоплангани, аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйиқ бўлмагани, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатма бериб, жиноят ишини тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ, Жиноят кодексининг 105-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса тарафларнинг ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.



Суд жабрланувчи Т.Дадабоев ҳамда судланувчи У.Полвановнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, давлат айбловчиси ва ҳимоячининг жиноят ишини тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, судланувчи У.Полвановнинг айбига тўлиқ иқрорлиги ва етказилган зарарни тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчини унга нисбатан моддий ва маънавий зарар бўйича даъволари йўқлиги, жабрланувчи ва судланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув судланувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 105-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ ярашувга тушишини инобатга олиб, судланувчи У.Полвановга нисбатан юритилган жиноят ишини тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатишни ҳамда судланувчи У.Полвановни жинойий жавобгарликдан озод қилишни лозим топди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 423, 582, 583, 586-моддаларини қўллаб,

А Ж Р И М Қ И Л А Д И

Судланувчи Полванов Умиджон Одилжон ўғлига нисбатан юритилган жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилсин, судланувчи У.Полванов жинойий жавобгарликдан озод қилинсин.

Судланувчи У.Полвановга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ажримдан норози томонлар ажрим эълон қилинганидан бошлаб 10 (ўн) кун ичида шу суд орқали Наманган вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига хусусий шикоят ва протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи, судья

(имзо)

А.Қахрамонов

Ажрим нусхаси

аслига тўғри, судья _____

